



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2015 йил 1 июль, № 128 (6311)

Чоршанба

Сайтмига ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



## БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИМИЗ ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛСИН



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга ошириладиган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари билан танишиш мақсадида 30 июнь куни Қашқадарё вилоятига келди.**

Қашқадарё вилояти иқтисодий салоҳияти, ер ости ва ер усти бойликлари, ривожланган sanoat тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги билан мамлакатимиз тараққиётида муҳим ўрин тутади. Омилкор ва ишбилармон инсонлар меҳнати туфайли барча соҳаларда улкан муваффақиятлар қўлга киритилмоқда.

Вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми изчил ўсмоқда. Мамлакатимиз умумий sanoat маҳсулотининг қарийб 11 фоизи ушбу вилоятда ишлаб чиқарилмоқда. Шўртан ва Муборак газ-кимё мажмуалари, Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи каби замонавий sanoat корхоналарида жаҳон бозорида хариддоригр маҳсулотлар тайёрланмоқда.

Йирик инвестиция лойиҳаси асосида Таллимаржон иссиқлик электр станциясида йилга 900 мегаватт электр энергияси ишлаб чиқариш қувватига эга иккита буғ-газ қурилмасини қуриш ишлари жадал давом этмоқда. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2013 йил 2 августдаги “2013 — 2016 йилларда Қашқадарё вилоятининг sanoat салоҳиятини ри-

вожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган дастурга асосан, умумий қиймати 2 миллиард 98 миллион долларга тенг 555 лойиҳа амалга оширилиши кўзда тутилган. Бугунги кунгача уларнинг 440 дан ортиғи ҳаётга татбиқ этилиб, sanoat соҳасининг янги турларини ривожлантириш, аҳолини иш билан таъминлаш ва фаровонлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби Қашқадарё вилоятида ҳам улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Иқтисодий-ижтимоий инфратузилма ривожланиб, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб бормоқда.

Кейинги йилларда вилоят маркази Қарши шаҳри ҳар томонлама ривожланиб бормоқда. Айниқса, шаҳарнинг 2700 йиллиги муносабати билан кўхна Насаф янада гўзал ва обод масканга айланди.

Бу борадаги ишлар изчил давом эттирилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 июлдаги “Қарши шаҳрини келажакда қайта қуриш режаси

ва замонавий йўл-транспорт коммуникацияларини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори асосида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Қарши шаҳрининг ҳудуди кенгайтирилмоқда. Янги автостанция ва вокзаллар, кўп қаватли уй-жойлар, бог ва хиёбонлар, хизмат кўрсатиш объектилари бунёд этилмоқда.

Йўл-транспорт инфратузилмасини яхшилаш мақсадида узунлиги 56 километр бўлган ҳалқа йўли қурилмоқда. Унинг темир йўл ва дарёлар билан кесишадиган нуқталарида 6 замонавий йўл ўтказгич ва кўприклар бунёд этилмоқда. Бу шаҳар ҳавоси мусаффолигини ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Халқа йўлининг Қашқадарё дарёсини кесиб ўтадиган қисмида узунлиги 108, эни 27 метрлик янги кўприк барпо этилди. Амир Темур кўприги реконструкция қилинди.

Президентимиз вилоятга сафарини ушбу кўприклар билан танишишдан бошлади.

Бир пайтлар Қашқадарё деганда одамларнинг кўз олдига

қуриб ташланган, кўримсиз, пасткам уйлар бўларди. Улар кенг ва раvon йўлга мутлақо мос келмас, шаҳарнинг замонавий қиёфасини бузиб турар эди.

Шаҳарнинг бош режасига мувофиқ, мазкур кўчада замонавий кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Уларнинг юқори қаватларида кенг ва шинам хонадонлар бўлиб, биринчи қаватида савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари жойлашган.

Биноларнинг биринчи қавати девори гранит, юқори қаватлари оқ мрамор билан қоплангани ажиб чирой бахш этган. Бундай архитектура чангғуборни сездирмай, бинонинг асл қиёфасини сақлашда муҳим аҳамият касб этади.

Бунёдкорлик ишларига бутун қалб кўрини бағишламоқ керак. Ободлик кўнгилдан бошланади, деган сўзлар халқимиз қалбидан чуқур жой олди, эзгу даъватга айланди, деди Президентимиз. Одамлар ўз уйини, кўчасини, маҳалласини обод қилишга, бахтли ҳаёт кечиришга интилиб яшамоқда. Бу уй-жойларни қуришдан мақсадимиз ҳам халқимизнинг обод ва фаровон яшашини таъминлашдир. Улардаги шароит, атрофдаги муҳит ҳам шунга мос бўлиши керак.

Қарши шаҳридаги кўчалар, майдон ва хиёбонлардаги яшил ҳудудларни кенгайтириш бўйича олиб бориладиган ишлар ана шу мақсадга хизмат қилмоқда. Аҳоли, айниқса, аёллар ва болалар бу ерда сайр қилиб, ҳордиқ чиқармоқда.

Хар бир шаҳарнинг бош режаси устида ишлаганда, бино ва йўллар қураётганда беш — ўн йилни эмас, балки узок истиқболни ўйлаб иш юритиш лозим. Улар ҳар томонлама мукамал манзара ҳосил қилиш, шу билан бирга, пишиқ ва мустаҳкам бўлсин, нафақат бугунги, балки келажак авлодларимизга ҳам хизмат қилсин, деди Ислам Каримов.

Давлатимиз раҳбари қурилиш ва ободонлаштириш ишларини изчил давом эттириш, шаҳар қиёфасини янада яхшилаш, аҳолининг дам олиши учун зарур бўладиган барча шароит ва қулайликларни яратиш кераклигини таъкидлади. Дарёнинг икки қирғоғини мустаҳкамлаш, соҳилбўйини ободонлаштириш, қайиқ станция-яни ташкил этиш юзасидан кўрсатмалар берди.

Президентимиз Қарши шаҳрининг Ўзбекистон кўчасида бунёд этилган кўп қаватли уйларни бориб кўрди.

Илгари бу ерда режасиз

### ЎЗБЕКИСТОННИНГ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТИ

## ИННОВАЦИЯ ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШ

Ўзбекистонда илмий ишланмаларни иқтисодийнинг реал секторига жорий этиш бўйича самарали механизм ривожлантирилмоқда.

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти асосини инновацион фаолият ташкил қилади. Тарих шундан далolat берадики, инсон ўзининг ақл-заковати билан дастлабки меҳнат қуролларини ўйлаб топшдан, алгоритм ва нанозаррачалар, замонавий инновацион компьютер, супер микроэлектрон, биологик, ген муҳандислиги, қўёш ва бошқа юқори технологияларни кашф этишгача бўлган мураккаб йўлни босиб ўтди.

Ўтган асрнинг 80-йилларидан бошлаб дунё тараққиётнинг янги босқичи, яъни глобаллашув даврига кирди. Бу ички ва халқаро бозорларни кенгайтириш, технологик инновациялар — компьютер техникаси, приборлар микроминиатюризациясини яратиш, янги алоқа воситаларини ривожлантириш зарурати, 90-йилларда эса бугун миллиардлаб фойдаланувчиларга эга интернетнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Бугунги

глобаллашув жараёни рақобатни кучайтириб, янги маҳсулотлар яратиш даврини қисқартирди ва компанияларни янги инновацион маҳсулотлар (технологиялар, материаллар, машиналар, техника, транспорт ва коммуникация воситалари, дори-дармонлар, қишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотлар)ни жадал ишлаб чиқишга мажбур этди.

Илм-фан ва ишлаб чиқаришни интеграциялаштириш, хусусий тадбиркорлар ва давлат ўртасидаги ҳамкорлик, кичик ва ўрта инновацион бизнеснинг халқаро алоқаларини қўллаб-қувватлаш инновацион фаолиятини кенг ривожлантиришнинг муҳим шартларидир. Шунини таъкидлаш кераки, дунёнинг ривожланган давлатларида янгиликларнинг қарийб ярми ташкилотлар, кичик ва ўрта бизнес фирмалари томонидан амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

## Кенг имкониятлар ижодий изланишга ундайди

Глобаллашув жараёни янада жадаллашган бугунги кунда дунёда кечаётган турлитуман воқеа-ҳодисалар ҳақида тезкор ва ҳолис ахборотнинг, ҳаётий муаммолар, кундалик таъмирлар ҳамда уларни ҳал қилиш йўллари ҳақида журналист аҳли билдирадиган таъсирчан сўзнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда.

### МУНОСАБАТ

Президентимизнинг Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига йўллаган байрам табриғида келтириб ўтилганидек, бугун биз яшаётган янги давр, янги ҳаёт ижтимоий муносабатлар оммавий ахборот воситаларининг олдида тез суръатлар билан ўзгариб, ривожланиб бораётган жамиятимизнинг талабларига ҳар томонлама муносиб бўлиш, одамларни ўйлантираётган, бевозта қилаётган муаммоларга жавоб излаш, уларни кун тартибига қўйиб, жамоатчилик фикрини шакллантириш бўйича ўта

муҳим ва долзарб вазифаларни қўймоқда.

Дарҳақиқат, кундалик ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланган оммавий ахборот воситалари барча жаҳдада амалга ошириладиган ислохотларнинг самарадорлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, ижтимоий-сиёсий фаоллигини юксалтириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат ва жамият ўртасида шаффоф муносабатни қарор топтиришда халқ кўлуви аҳамият касб этапти.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий салоҳиятига бағишланди

Словакия Иқтисодий вазириликнинг ҳузуридаги Словакия савдо ва сармояларни ривожлантириш агентлигида (SARIO) Ўзбекистоннинг савдо-иқтисодий салоҳиятига бағишланган брифинг бўлиб ўтди.

### ДУНЁ НИГОҲИ

Мамлакатимизнинг замонавий иқтисодий тараққиёти, sanoat корхоналарини модернизациялаш ва технология жиҳатдан қайта жиҳозлаш, сармоявий муҳитни такомиллаштириш бўйича кўри-

лаётган чора-тадбирлар, шунингдек, ижтимоий соҳа ҳамда инфратузилмаларни ривожлантиришга йўналтирилган давлат дастурларининг ҳаётга татбиқ этилиши хусусидаги муҳим маълум-

отлар тадбир иштирокчилари этиборига ҳавола қилинди.

Словакия томони “Навий” эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва “Ангрен” ҳамда “Жиззах” махсус индустриал зоналари фаолияти ва уларда мавжуд бўлган имкониятлар, ушбу ҳудудларда хорижлик сармоядорлар учун ҳукумат томонидан тақдим этилган имтиёзу қулайликлар билан яқиндан таништирилди. Шу ўринда импорт ўрнини босадиган ва экспортбop товарлар ишлаб чиқари-

лишини қўллаб-қувватлашга оид муҳим масалаларга алоҳида этибор қаратилди. Ўзбек шериклар билан ҳамкорлик қилишни ва янги технологияларни қўллашни режалаштираётган хорижлик сармоядорларнинг жалб этиш, уларнинг фаолиятини янада ривожлантиришга кўмаклашадиган ташкилий ҳамда қонуний шароитлар хусусида ҳам алоҳида фикр юритилди.

Словакия савдо ва сармояларни ривожлантириш агентлиги-

нинг халқаро ишлар бўйича директори Т. Бучекнинг билдиришича, Ўзбекистонда шаклланган сармоявий муҳит, шунингдек, унинг бой хом ашё базаси ва малакали ишчи ресурсларига эга эканлиги республикага чет эл компанияларини жалб этишда муҳим ўрин тутади.

“Technoklima” компанияси вакили П. Чо-бирка 2014 йили республикада бўлгани чоғида сира унутилмас таассуротлар орттирганини маълум қилди. Унинг ай-

тишича, Ўзбекистон ҳукумати мустақил ривожланиш йиллари давомида қишлоқ хўжалиги жабҳасини модернизациялаш юзасидан улкан ишларни амалга оширишга муваффақ бўлди.

Словакия компаниялари Ўзбекистон билан аграр соҳада ҳамкорликдан, ўзбек деҳқони етиштирган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишдан, шунингдек, Словакия технологиялари ва ускуналарини мамлакатимиз аграр соҳасини янада модернизациялашга йўналтиришдан манфаатдор бўлиши қайд этилди.

«Жаҳон» АА. Братислава

### БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Шу йилнинг январь — март ойларида юртимизда кичик бизнес субъектларига ажратилган банк кредитлари ҳажми

2,8 триллон сўмга етди.



Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш, кичик ишлаб чиқариш корхоналарини ташкил этиш мақсадида банк хизматлари кўрсатиш қўлами янада кенгайтирилгани туфайли ана шундай юқори натижа қўлга киритилди.

# Кенг имкониятлар ижодий изланишга ундайди

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Мустиқлик йилларида мамлакатимизда мазкур соҳанинг мустақам ҳуқуқий асоси яратилиб, замон талабларига тўла жавоб берадиган моддий-техник базаси шакллантирилди. Рўёбга чиқарилган тўб ўзгаришлар натижасида ўтган даврда миллий журналистика-миз, матбаачилигимиз сон ва сифат жиҳатидан яхшиланди. Ҳозирги вақтда юртимизда 1 минг 400 дан ортиқ оммавий ахборот воситалари фаолият кўрсатмоқда. Эътиборлиси, аъённавий ахборот воситалари билан бир қаторда, интернет журналистика ҳам тез суръатда ривожланипти. Сўнгги беш йилнинг ўзиде веб-сайтларнинг сони 2 баробар ортиб, 300

дан ошиб кетгани, давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, мамлакатимиз миллий ахборот маконининг мазмуни ва манзарасини тубдан ўзгартиришга хизмат қилмоқда. Шунингдек, соҳада нодавлат сектор улуши ошиб бораётгани соғлом рақобат муҳити қарор топишига, соҳа ходимларининг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Ҳозирги кунда юртимизда мавжуд телерадиоканалларнинг 67 фоизи, босма нашрларнинг эса 60 фоизга яқини нодавлат оммавий ахборот воситалари-ридир. Президентимиз ташаббуси билан рақамли телевидениега ўтиш ишлари ҳам изчил олиб борилапти ва юртимиз аҳолисининг 54 фоизи

рақамли телевидение имкониятларидан фойдаланмоқда. Жорий йилда юқори кувватга эга бўлган 84 та телеузаткич мосламаси ўрнатилиб, ҳудудларимизни 100 фоиз рақамли телевидение билан қамраб олиш назарда тутилмоқдаки, булар мамлакатимиз ахборот бозорининг замон билан ҳамнафас тақомиллашиб бораётганидан далолат беради. Ахборот ҳар қандай воситадан-да кучли таъсирга эга экани қайта-қайта ўз тасдиқини топаётган бугунги шиддаткор даврда журналистлар зиммасидаги масъулият ҳам тобора ортиб бормоқда. Ахборот маконини “темир дарвоза” билан тўсиб бўлмагани каби, турли ғоя ва манфаатлар қураши авж олган бир шароит-

да ёлгонни ростдан фарқлай билиш, қуруқ сафсата-ларга осонликча берилмаслик, ахборот хуружидан, унинг ортидан сояда эргашиб юрвучи маънавий таҳдидлардан жамиятни асраш ўта долзарб вазифа бўлди. Бу эса матбуот ва ахборот соҳаси ходимларидан профессионал билим ва тажрибани, ҳушёрликни, айнисқа, сўз эркинлиги масъулиятини янада қўқур ҳис этиб иш олиб боришни тақозо қилмоқда. Яна бир муҳим жиҳат. Давлатимиз раҳбари шу йил 23 январь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузасида “Биз қонунчиликни эркинлаштириш ҳақида кўп гапиримиз. Шу билан бирга, одамлар ўз

хаётида бундай эркинлаштириш жараёнини қандай ҳис этаётганига, бу ҳақда журналистлар, шарҳловчилар нималарни гапирётганига қараб, бу ишларнинг натижасига энг аниқ баҳо бериш мумкин”, дея қабул қилинаётган қонунларнинг жойлардаги ижроси юзасидан ахборот алмашиш механизмининг тақомиллаштириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Албатта, қонун ижодкорлиги, уларнинг муҳокамаси, қабул қилиниши жараёнари билан боғлиқ журналистик материалларга талаб ортиши табиий. Таъкидлаш керакики, Олий Мажлис палаталари, жумладан, Сенат фаолиятининг очиклигини, ошкоралигини таъминлашда матбуот ва оммавий ахборот воситалари алоҳида ўрин тутмоқда.

ОАВ орқали сенаторлар ҳудудларда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар инсон ва унинг манфаати учун хизмат қилишини жамоатчиликка кенг етказаяпти. Халқ вакиллари ислохотларнинг бориши, натижалар ва олга силжишга тўсиқ бўлаётган ғовларни олиб ташлашда оммавий ахборот воситаларининг таъсирчан кучига таянмоқда. Бошқача айтганда, ОАВ парламент ва аҳоли ўртасида демократик тамойилларга асосланган муносабатларнинг ўрнатилишига кўмаклашмоқда. Айти пайтда парламент аъзолари қабул қилинаётган қонунлар сифатини ошириш, ислохотлар тақдирини учун жавобгарлини ҳис қилиб фаолият олиб бориш баробарида, матбуот ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлик қамровини янада кенгайтириши мақсадга мувофиқдир.

**Муҳаммадjon МАҚСУДОВ,**  
**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий Мажлиси Сенати**  
**аъзоси.**

Жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилиш жараёнини ОАВнинг фаол иштирокисиз тасаввур этиб бўлмаганидек, ислохотлар самарадорлигига эришиш, бунинг учун эса ҳуқуқий асосларни тақомиллаштириш ҳамда мустақамлашда матбуот ва ахборот соҳаси имкониятларидан оқилона фойдаланмоқ айна заруратдир.



Мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун қўлай ишбилармонлик муҳити яратилгани чет эл сармояси иштирокидаги корхоналар сони йил сайин кўпайишида муҳим омил бўлмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ички бозорни юқори сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш ҳамда худудлар экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилаяпти.

# Ёш мутахассислар шижоати

Хусусан, юртимизнинг йирк индустриал марказларидан бири бўлган Навой вилоятида кейинги йилларда Жанубий Кореялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ўндан ортиқ корхоналар барпо этилиб, уларда 300 дан зиёд киши-

бир неча турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Утган йили Навой шаҳрида Жанубий Кореянинг “Tolbiz” ҳамда “Top-point Co. Ltd” корпорациялари билан ҳамкорликда фаолият бошлаган “Bagil Medical New

Technology” қўшма корхонаси — ана шундай илғор ишлаб чиқариш субъектларидан бири. Бу ерда қиймати қарийб 2 миллион АҚШ долларлик замонавий дастгоҳлар ўрнатилган бўлиб, улар йилига 48 миллион дона 5 миллиграммли бир марталиқ шприцлар ишлаб чиқариш қувватига эга. — Хорижий етакчи компанияларидан келти-

рилган мазкур инновацион технологиялар тўлиқ компютерлаштирилган, — дейди қўшма корхона директори Фахриддин Баротов. — Уларни бошқариш осон ҳамда қўлай. Шу боис халқаро санитария қоидаларига тўлиқ мувофиқ келадиган юқори сифатли маҳсулотлар тайёрлашда самарадорликка эришаёپмиз. Айтиш жоизки, айна кунда мазкур корхонада маҳаллий аҳоли вакилларидан 36 нафари иш билан банд. Келгусида бу ерда ишлаб чиқариш суръати ошиб, янги турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиши билан жамоа аъзолари сони янада кўпайиши кўзда тутилган.

**Азамат ЗАРИПОВ,**  
**«Халқ сўзи» муҳбири.**  
Муаллиф олган сурат.

1 ИЮЛЬ — ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ВАЛЮТАСИ — СЎМ МУОМАЛАГА КИРИТИЛГАН КҮН

(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

Чунончи, АҚШ Миллий илм-фан фонди маълумотларига кўра, кичик фирмаларда ҳаётга татбиқ этилаётган янгиликлар сони сарф-харажатлар бирлиги бўйича ўрта ва йирк фирмаларга қараганда анча кўпдир. Бундан ташқари, кичик фирмалар янгиликларни жадал ўзлаштириш ва истеъмолчиларга етказиб беришда ҳам йирк фирмаларга қараганда тахминан ўндан бир баробар илгариллаб кетган.

Университет ва техника институтлари ишлаб чиқариш компаниялари ва фирмалар билан биргаликда патентланган ишланмадан ўз иштироки улушини белгилаб тақдирот ва инновацион лойиҳаларни амалга оширадигани илм-фан ва ишлаб чиқаришнинг интеграциялашув жараёни катта самара беради. Европа патент идораси томонидан берилган барча халқаро патентларнинг 85 фоизи айнан шундай ҳамкорликдаги ишланмалар улушига тўри келиши ҳам беҳис эмас.

АҚШ, Япония, Жанубий Корея ва бошқа қатор ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнес инновацияларга мойиллиги билан ажралаб туришини кўриш мумкин. Утган асрнинг 90-йилларида ушбу мамлакатларда минглаб ана шундай компаниялар ташкил этилди. Уларнинг аксарияти бугунги кунда жаҳон ишлаб чиқаришида етакчи фирмаларга айланди («Samsung», «Microsoft», «Pfizer», «Hitachi» ва бошқалар). Бу, ўз навбатида, миллионлаб янги иш ўринлари ташкил этиш имкониятини яратди ва сановат ҳамда иқтисодийни ривожлантиришга кучли туртки берди.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, ҳар томонлама ривожланган инновацион тизимга эга мамлакатлардагина инновация жараёнлари самарали амалга оширилиб, технологиялар ва бошқа илмталлаб маҳсулотлар тижоратлаштирилимоқда. Бу жараёнда давлатнинг иштироки, иқтисодийнинг реал сектори ва етакчи компанияларнинг инновация фаолиятини қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, илм-фан давлатнинг техник тараққиёти ва жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлайдиган ушбу интеграция механизмининг асосини ташкил қилади.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан мамлакатимиз илм-фани, етакчи илмий мактаблар, биринчи навбатда, энг йирк ва муҳим аҳамиятга эга ташкилот — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясини янада ривожлантириш учун мустақам пойдевор яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Президентимиз Ислам Каримов томонидан қабул қилинган Фармон ва қарорлар янги та-

вакиллари билан бир қаторда, ҳар томонлама пухта билимга эга, бир неча чет тилларни биладиган ёш олимлар ва тадқиқотчилар ҳам кенг кўламли тадқиқотлар олиб бормоқда. Улар замонавий илмий ва лаборатория жиҳозлари, материал ресурслари билан таъминланган. Ёш олимлар томонидан олинган муҳим фундаментал натижалар амалий илмий-техник ва инновацион ишланмаларни кенг ривожлантиришга асос бўлиб хизмат қилаётган ва асосан, мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ҳамда иқтисодий тизимнинг асосий тармоқлари эҳтиёжига йўналтирилмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳаёфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт қаролатлари» китобига таъкидлаганидек, республика фани қудратли интеллектуал сар-

лашнинг ташхис қўйиш-тест тизимлари ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги илм-фанда асосий ўстувор соҳалардан биридир. Бугун ер, сув ресурслари ва биологик хилмаҳилликдан оқилона фойдаланиш ҳамда унинг ўрнини тўлдириш тизимини тақомиллаштириш, самарали агротехнологиялар, генетик ресурслар ва илғор илмий ютуқлардан умумий фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларининг сермахсус нав ҳамда зотларини яратишга қаратилган илмий ишланмаларга талаб юқори.

# Инновация ва ишлаб чиқариш

2008 — 2015 йилларда ўтказилган ярмаркаларда тўрт мингдан зиёд инновацион ғоя ва ишланмалар, технологиялар намойиш этилиб, умумий қиймати 110 миллиард сўмдан зиёд бўлган уч мингдан ортиқ шартнома имзоланди. Натижада мамлакатимизда қиймати бир триллион сўмдан ортиқ бўлган янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон илм-фанини бошқариш ва молиялаштиришни давлат томонидан тартибга солиш, унинг сай-харақатларини ўстувор соҳаларга йўналтиришга қаратилган ислохотлар давом эттирилди. Дарҳақиқат, ўтган йиллар мобайнида олимлари ва илмий жамоалар томонидан жаҳонда ўзига ҳос аҳамиятга эга илмий натижалар қўлга киритилди. Физика соҳасида янги ярим ўтказгичлар ва наноматериаллар, юқори хароратга чидамли сопол материаллар ва буюмлар яратилди. Супрамолекуляр кимё соҳасида полимерлар комплекслар тузилиши ва вужудга келиши ўртасида алоқа ўрнатилган янгилик кашф қилинди. «Шпрингер» (Лондон) нашриёти томонидан инглиз тилида 10 жилдли «Табиий бирикмалар» маълумотномаси тайёрланди ва нашр этилди. Ушбу маълумотнома ўз моҳияти кўра, ўсимлик моддалар кимёси соҳаси олимлари ва амалиётчилари учун энциклопедия ҳисобланади. Мамлакатимиз олимлари томонидан тиббиёт соҳаси учун оригинал технологиялар асосида самарали дори воситалари ва юқумли касалликларни аниқ-

лашнинг ташхис қўйиш-тест тизимлари ишлаб чиқилди. Қишлоқ хўжалиги илм-фанда асосий ўстувор соҳалардан биридир. Бугун ер, сув ресурслари ва биологик хилмаҳилликдан оқилона фойдаланиш ҳамда унинг ўрнини тўлдириш тизимини тақомиллаштириш, самарали агротехнологиялар, генетик ресурслар ва илғор илмий ютуқлардан умумий фойдаланиш асосида қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорва молларининг сермахсус нав ҳамда зотларини яратишга қаратилган илмий ишланмаларга талаб юқори.

Хусусан, мустиқлик йилларида мамлакатимиз олимлари гўзани култивация қилишда тўб бурилиш ясаб, дунёдаги пахта етиштирадиган етакчи мамлакатлар селекцияларини кўп йиллардан бери ташвишга солиб келётган вазифани ҳал этди. Фанлар академияси ҳузуридаги Геномика ва биоинформатика маркази, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, «Ўзпхатрасано» уюшмаси лабораторияларида дунёда биринчи марта ген-нокаут технологияси ишлаб чиқилди. Ушбу технология ишлов бериш ва вегетация даври ҳамда тола сифати бўйича хусусиятлари яхшилانган «Порлок» туркумидаги ген-модификациялаштирилган гўза навини яратиш имконини берди.

Ушбу нав юқори ҳосилдорлиги, эртатишарлиги, қурғоқчиликка чидамлилиги, толасининг сифати юқорилиги билан ажралаб туради. Хориж экспертларнинг фикрига кўра, бу нав Мисрда етиштириладиган ингичка толали навдан кейинги ўринда туради, холос. Бугунги кунда «Порлок» мамлакатимизда ген-инженерияси технологияси қўлланган ҳолда яратилган ягона қишлоқ хўжалиги ўсимлиги навидир. Олимларимиз юртимиз далаларида етиштириладиган ва асосан, туртинчи-бешинчи тоифага мансуб тола берадиган аъённавий пахта навларидан 1-2 тоифадаги толани олиш имконини берадиган навни яратди. Ушбу пахта навидан синтетик тола қўшмасдан юқори сифатли тўқимачилик маҳсулотини, яъни қўйлақоп мато ишлаб чиқариш мумкин.

Бугун пахта етиштирадиган мамлакатларда 60 фоиздан ортиқ ген-модификациялаштирилган гўза навлари етиштирилимоқда ва уларнинг биологик хўжайрларига бегона инсектоксин ген киритилмоқда. Мамлакатимиз олимлари ўсимликлар модификацияси учун маъқул бўлган, яъни бевосита

ри Аллапинин, Рагосин, Гозалидон, Эқдистен, Рутан, Медамин, Госситан каби элликдан ортиқ дори воситаларини яратди. Уларнинг катта қисми фармацевтика санаятида ўзлаштирилди ва дорихоналарда сотилмоқда. Қатор препаратлар эса чет элга экспорт қилинаётган.

Ўсимликларнинг биологик фаол моддалари банки яратилиб, унда аксариятидан келажакда дори-дармонлар тайёрлаш мумкин бўлган беш мингдан зиёд шундай моддалар сақланмоқда. Биологик фаол бирикмаларнинг ушбу банки дунёдаги қўллаб ана шундай банклардан бири бўлиб, мамлакатимизда янги фармацевтика воситаларини яратиш учун истиқболли инвестиция лойиҳасига асос бўлиб хизмат қилади. Айна пайтда халқаро мезёрлар ва ишлаб чиқариш шартлари мубофиқ, ушбу дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, уларни халқаро патентлар билан ҳимоялаш зарур. Бу экспорт ҳажмини сезиларли равишда ошириш ва қўшимча валюта маблағларини жалб этиш имконини беради.



# Умуминсоний ва миллий қадриятлар эътирофи

Маълумки, жорий йилнинг 29-30 май кунлари Самарқандда "Буюк Ипак йўлида умуминсоний ва миллий қадриятлар: тил, таълим ва маданият" мавзуга бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтган эди.



"Тадбирда Буюк Ипак йўли икки минг йил давомида нафақат савдо йўналиши, балки ушбу йўл бўйида жойлашган мамлакатлар ўртасидаги сиёсий, иқтисодий ва маданий алмасувларнинг муҳим воситаси бўлиб ҳам хизмат қилгани қайд этилди. Унга, биринчи навбатда, Шарқ ва Ғарб цивилизацияларининг муваффақиятларини тарқатган йўл сифатида қаралмоғи зарур. XXI асрда Буюк Ипак йўлининг қайта тиклангани ва гуманитар алмасув аниқлашнинг фаоллашгани Осие мамлакатлари халқларига раванқ келтирди", деб ёзди "Xinhua".

Жаҳон цивилизацияси тараққиётида Буюк Ипак йўли тутган ўрин, ушбу кўхна йўл бўйида жойлашган мамлакатларнинг умуминсоний ва миллий қадриятлари конференция иштирокчилари муҳокама қилган асосий мавзулардан бўлгани ҳақида тўхталар экан, агентлик олий ўқув юрларининг талабаларига хорижий тилларни ўқитиш масаласига ажуанда алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлайди.

«Жаҳон» АА. Шанхай

Самарқанд давлат чет тиллар институти ҳузурида Конфуций институти фаолият кўрсатмоқда, ўқитувчи ва талаба алмасув дастурларининг кўламлари тобора кенгайиб бормоқда, Марказий Осие минтақасининг тил атласи лойиҳаси юзасидан ҳам аллақачон иш бошланган.

## МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА



Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки чакана хизматлар кўрсатиши, хусусан, аҳоли бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасида ўзига хос тажрибага эга молия муассасаси ҳисобланади.

## Банк ресурс базаси мустақамланмоқда

Жорий йилнинг ўтган беш ойида жисмоний шахсларнинг ҳисобварақларидаги маблағлар қолдиги 12 фоиз ошди, 960 млрд. сўми ташкил этгани бунинг яққол тасдиғидир. Ушбу омонатларнинг 626 млрд. сўми миллий, 128 млн. АҚШ доллари хорижий валютада эканлиги эътиборга лойиқ.

ҳамда махсус кассаларида аҳолидан коммунал тўловлар учун пул маблағлари қабул қилиш йўлга қўйилмоқда. Хусусан, шу йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, бундай махсус кассалар сони 113 тага етказилгани натижасида коммунал ва бошқа тўловлар учун 66 млрд. сўм миқдорда маблағ қабул қилинган бўлса, жумладан, Марказий банкнинг "МУНИС" ҳисоб-китоблар тизими орқали 5,4 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтга келиб, миқозлар сони қарийб 3 млн. нафарга етди. Албатта, бунда банк томонидан уларнинг маблағлари ўз вақтида, фоизлари билан қайтарилиши кафолатлангани муҳим омил бўлаётди.

Мазлумки, 2002 йилдан бошлаб Миллий банк жисмоний шахслар учун "Western Union", "Money Gram", "Золотая Корона" ва "Азия Экспресс" тизимлари орқали халқаро пул ўтказмалари бўйича ҳам хизматлар кўрсатиб келмоқда. Шу йилнинг ўтган ойлари ичида улар ёрдамида 24 млн. АҚШ доллариллик пул ўтказмалари амалиёти бажарилди.

— Бу йил аҳолининг бўш пул маблағларини депозитларга жалб қилиш бўйича яна бир қатор ишлар амалга оширилётгани, ўз навбатида, омонатчилар сони ошиши ҳамда миқозларимиз маблағлари кўпайишига хизмат қилаётгани, — дейди Миллий банкнинг Пул муомаласи департаменти мутахассиси Наргис Хушвақтова. — Жумладан, ўтган ойлар давомида Кексаларни эъзозлаш йили муносабати билан миллий валютадаги "Эъзоз", Хотира ва Қадрлаш кўнига чиқарилган "Матонат" каби 4 та янги омонат тури жорий этилди.

Яна шунинг алоҳида таъкидлаш керакики, жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, банкдаги омонатлар тури 27 тага етди.

Бундан ташқари, миқозларга янада қулайлик яратиш мақсадида Миллий банкнинг барча филиали

ҳамда махсус кассаларида аҳолидан коммунал тўловлар учун пул маблағлари қабул қилиш йўлга қўйилмоқда. Хусусан, шу йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, бундай махсус кассалар сони 113 тага етказилгани натижасида коммунал ва бошқа тўловлар учун 66 млрд. сўм миқдорда маблағ қабул қилинган бўлса, жумладан, Марказий банкнинг "МУНИС" ҳисоб-китоблар тизими орқали 5,4 млрд. сўмлик тўловлар амалга оширилди.

Банк матбуот хизмати. Хизматлар лицензияланган.

## «FPI DELIVERY SERVICE» МЧЖ

боғ қатор оралари, иссиқхона, томорқа ерларига ишлов беришга ҳамда хашак ўришга мўлжалланган ичмам, қулай ва камҳаражатли мотокультиваторларни тавсия қилади.



Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Богшамол кўч., 8-уй (мўлжал: Юнусобод тумани, 1-сонли нотариал идро). Матбуот учун тел.: (+99899) 176-81-45, 968-56-77, 989-09-62, (0-371) 234-42-17.

WWW.XS.UZ

Буюк Британиянинг Ноттингем шаҳрида теннис бўйича эркаклар ўртасида майсали кортларда ўтказилган "АТР" таснифига кирувчи халқаро турнирда ҳамюртимиз Денис Истоинин бош совринни қўлга киритди.

Халқ сўзи Народное слово. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳкамаси.

## РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Фармацевтика фаолияти билан шугулланувчи ишлаб чиқарувчи корхоналар, фирма ва компаниялар диққатига! НАВОЙЙ ВИЛОЯТИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ БОШҚАРМАСИ. Кишлоқ врачлик пунктлари учун зарурий дори воситалари, тиббий буюмлар ва реактивларни марказлашган ҳолда сотиб олиш учун ТЕНДЕР (ТАНЛОВ) САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

«КО'СНМАС МУЛК САВДО ХИЗМАТИ» МЧЖ Қорақалпоғистон Республикаси Бош филиали. Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

ДИАГНОСТИКА ЖИҶОЗЛАРИ. Маҳсулотларни Тошкентдаги омбордан сўмда, пул ўтказиш йўли билан олиш мумкин. Автоматик биокимё анализатор реагентлари билан, Иммунофермент анализатори, ИФ-анализатор учун ювиш аппарат-автомати, Гематологик анализатор реагентлари билан, Стерилланган вакуумли пробиркалар (Кита, Италия).

## Диққат, танлов!

Ўзбекистон "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Фанлар академияси, "Олтин мерос" халқаро хайрия жамоаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, Миллий гоя ва мафкура илмий-амалий маркази.

Ўзбекистонда ёшлар туризмини ривожлантириш, туман ва шаҳарларнинг туристик салоҳияти, жойлардаги тарихий обидалар, зиёратгоҳлар, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни тарғиб қилиш, медиамаҳсулотларнинг кенг тарқалган тури — видеороликлар ёрдамида мамлакатимизнинг туризм салоҳияти тўғрисида кенг жамоатчиликни хабардор қилиш; ёшларда юртимиздаги бунёдкорлик ва янгиланишларга нисбатан фахр туйғуларини шакллантириш; миллий урф-одат ва қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда келажак авлодларга етказиш мақсадида

"ЯНГИ НИГОҲ" видеороликлар танловини эълон қилади. Танловга ижодий ишлар 2015 йилнинг 1 сентябрга қадар "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман ва шаҳар кенгашларида қабул қилинади. Батафсил маълумотларни (0-371) 241-02-72, 241-00-50 телефон рақамлари орқали ёки www.videotanlov.uz сайтидан олиш мумкин.

## Маданият хабарлари

Республика "Баркамол авлод" болалар бадиий ижодий марказида "Ёш ижодкор" танловининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳридаги "Баркамол авлод" марказларининг умидли ижодкорлари иштирок этди. Ҳакамлар хайъати томонидан голиб, деб топилган ўқувчилар ташкилотчиларнинг диплом қаратилган ушбу танловда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва

Навоий шаҳрида "Созлар навоси" халқ чолғулари ижрочилари республика кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди.

Унда мусика ва санъат йўналишидаги мактаб ҳамда коллеж ўқувчилари, хаваскорлар ўз иқтидорларини синонад ўтказдилар. Ушбу аънавий тадбир ёшларнинг ижрочилик маҳоратини ошириш, халқ чолғучилиги санъатини оммалаштириш, ҳудудлараро маданий ҳамкорликни кучайтириш каби мақсадларга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Пойтахтимиздаги Халқаро маданият қарвонсарида "Ижодий парвоз" номли кўرғазма ташкил этилди.

Ижодий парвоз. Унда ёш мусаввир, Камолитдин Бехзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти магистранти Севара Қосимованинг ижодий ишлари намойиш этилмоқда. Мўйқалам устасининг юртимизнинг бетакдор табиати, халқимизнинг ноб қадриятлари акс эттирилган бир қанча асарлари санъат ихлосмандларига яхши таниш. Кўрғазма экспозициясидан ўрин олган "Бувимнинг портрети", "Олтин куз", "Маҳалла", "Оқшом", "Тошкентда киши" сингари асарлари ташриф буюрувчиларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Бюроғамта Г — 767. 74 956 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.